



O'ZBEKISTON OVOZI

ЎТЎМОЎ-ЎЎОЎЎ ГАЗЕТА

Shu aziz Vatan — barchamizniki

• 2008-yil • 4-mart • Seshanba • 28 (27.833) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

«Халқнинг маънавий руҳи-ни мустаҳкамлаш ва ривож-лантириш — Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маъ-навият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қал-бида бутун Инсониятнинг улкан оиласида ўз муста-қиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

МУДДАТЛИ ҲАРБЎЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАРНИ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хиз-мат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ;

1. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгилан-ган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилин.

2. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Респу-бликасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2008 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳар-бий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва

чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўл-ман, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервиге олинсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вази-ри Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республика-си Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсиз-лик кенгаши Котиби М.Атаев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 3 март

Ли Су-хо:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ташрифи Корея Республикаси учун муҳим воқеадир»

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Корея Рес-публикасида ташрифи жаҳоннинг турли мамлакатлари ижтимоий-сиёсий, илмий, эксперт, дипло-матия доиралари, халқаро таш-килотлар ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари-да катта қизиқиш уйғотди.

Бу борада билдирилган фикр-мулоҳазаларда эътибор аввалам-бор, Президент Ислам Каримов билан Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак ўртаси-да ўтказилган учрашув ва музо-караларга қаратилган. Ташриф асосида имзоланган идоралар-ро ҳужжатлар стратегик шерик-лар бўлган мамлакатларимиз му-носабатларини келгусида ҳам дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч асосида қуришини яна бир бор тасдиқлади.

«Корея газ корпорацияси» («КОГАЗ») президенти Ли Су-хонинг таъкидлашича, «Ўзбекис-тон раҳбари Ислам Каримов Президент Ли Мён Бакнинг ўз лавозимини бажаришга расман киришишига бағишланган танта-нали маросимда энг асосий меҳ-мон сифатида иштирок этгани ҳеч муболағасиз, Жанубий Ко-рея учун муҳим тарихий воқеа ва янги ҳуқуқматни қўллаб-қувват-лашининг ўзига хос ифодаси бўлди. Бундай ўзаро ишонч икки мамлакат ўртасида иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик борасида имзоланган кўплаб битимлар бил-лан мустаҳкамланган бўлиб, улар келгусидаги муносабатлар ривож-и учун қўлай шарт-шароитлар яратди.

«Қўшма корхона ташкил этиш ва газ-кимё мажмуасини барпо қилишга доир битимнинг имзо-ланиши чоғида Ўзбекистон раҳ-барининг иштирок этгани ҳам му-ҳим воқеа бўлди. Зеро, бу Пре-зидент икки томонлама ҳамкор-ликнинг мазкур соҳадаги ривож-ига улкан аҳамият бераётгани-

дан далолатдир.

Ўзбекистон Президентининг алоҳида эътибори туфайли ушбу лойиҳа салкам икки йил ичида тайёр бўлди. Бўлажак корхона-нинг ўта замонавий технологик жиҳозланиши ва ишлаб чиқариш қувватлари ҳисобга олинса, у нафақат МДХ ҳудудида, балки Осиёда ҳам шу турдаги ягона корхонага айланиши кутилмоқ-да», — деди Ли Су-хо.

У газ-кимё мажмуаси қурили-ши режасини қисқа муддатлар-да муваффақиятли амалга оши-ришга ишонч билдирди. Биноба-рин, бунинг учун зарур бўлган йўл ва энергия мутахассис-лар етарли экани муҳимлигини, уларсиз бу қадар юксак техно-логияга асосланган лойиҳани амалга ошириш ва корхона рен-табеллигини таъминлаш мумкин эмаслигини таъкидлади.

«Завод қурилиши билан унга хизмат қилувчи кўплаб кичик ва ўрта йўлдош корхоналарни шакллантириш имконияти юзага келади. Улар завод маҳсулотла-рини қайта ишлаб, юқори қўшим-ча қийматга эга бўлган товар-ларга айлантиради. Шунингдек, бу лойиҳа Ўзбекистон автомо-биль саноати учун бутловчи қисм-ларни маҳаллий корхоналарда тайёрлашга янада кенгроқ йўл очди.

Британиянинг «Reuters» ах-борот агентлиги ўз хабарига ташриф давомида имзоланган сармоявий битимларга урғу бе-риб ўтган. Хусусан, «Ўзбекнеф-тегаз» ҳамда «КОГАЗ» етакчили-гидаги Корея консорциумлари ўртасида тузилган қўшма корхо-на лойиҳаси нафақат газ конла-рини ўзлаштириш, балки газ-кимё мажмуаси қурилишини на-зарда тутгани таъкидланади. «Ўзбекистон гарбида жойлашган

ва Орол денгизи ҳавзаси яқини-даги конлар табиий газнинг ул-кан захирасига эга. Бу ерда қазиш ишлари ҳамда завод қурилиши 2009 йилнинг март ойидан бошланади. 2012 йил-нинг сўнгида эса бозорга маҳ-сулот ишлаб чиқариш режа-лаштирилмоқда», — дейилади мазкур хабарда.

Буёқ Британиянинг «Just-Auto» иختисослашган журна-ли Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов-нинг Кореяга ташрифи чоғида «Ўзавтосаноат» ва «ГМДАТ» ўртасида имзоланган қатор ҳужжатларга бағишланган маҳ-сул мақолани чоп этди.

«ГМДАТ» компанияси «Ўзавтосаноат»га дунёга маш-ҳур «Шевролет» автомобиль ру-суми билан Ўзбекистоннинг икки бозорида ҳамда МДХ мам-лакатлари ҳудудида савдо қилиш ҳуқуқини берди. Эри-шилган битимга мувофиқ, Ўзбекистонда «Шевролет» мар-касининг туртинчи моделини ишлаб чиқариш йўлга қўйла-ди. «ГМ» эса қўшма корхона-нинг 25 фоизлик улушига эга-лик қилиб, технологияларни ет-казиб беради ва Асака заводи-да меҳнат қилаётган 4,7 минг нафар ходимнинг малакасини оширади.

Мақолада Президентимиз И.Каримовнинг қуйдаги сўзла-ри келтирилади: «Ўзавтосаноат» ва «ГМ» ўртасидаги шериклик Ўзбекистон автомобилсозлик саноати тараққиётини янги бо-сқинга олиб чиқишга ёрдам бе-ради. Бизнинг бош вазифамиз — ўзбек халқига замонавий, бежирим ва қўлай автомобил-ларни танлашда кенг имконият яратиб, ўзбекистонликлар ман-фаатига хизмат қиладиган жа-ҳон андозалари даражасидаги саноатни барпо этишдир».

«Жаҳон» АА.

Шоира боқийлигининг тимсоли

Пойтахтимизда 1 март куни Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия ҳайкали очилди



Суратларда: тадбирдан лавҳалар. Д.ЮСУПОВ (ЎЗА) олган суратлар



Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат соҳасига катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқ-да. Ватанимиз, халқимиз тарихида ўчмас из қолдирган атоқли адиблар, фан ва маданият намояндаларининг эл-юртимиз олдидаги улкан хизмат-лари муносиб баҳоланиб, уларнинг хотирасини абадийлаштириш, ме-росини асраб-авайлаш ва ўрганиш бо-расида изчил ва кенг қамровли иш-лар амалга оширилмоқда.

Истиқлол йилларида бир гуруҳ мар-ҳум улуг шоир ва ёзувчиларимиз дав-латимизнинг юксак мукофотлари бил-лан тақдирлангани, юбилейлари кенг нишонлангани, пойтахтимизда Фағур Гулом ва Абдулла Қаҳҳор каби устоз адибларимизга мухташам ҳайкаллар ўрнатилгани бу фикрни яққол тас-диқлайди.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 13 сентябрда қабул қилинган «Тош-кент шаҳрида Ўзбекистон халқ шои-раси Зулфиянинг ҳайкалини ўрнатиш тўғрисида»ги қарори халқимизнинг севиимли фарзанди, таниқли жамоат арбоби Зулфиянинг миллий адабиё-тимизга қўшган улкан ҳиссаси, бе-лик қилиб, технологияларни ет-казиб беради ва Асака заводи-да меҳнат қилаётган 4,7 минг нафар ходимнинг малакасини оширади.

фаолиятининг яна бир амалий эъти-рофи бўлди.

2008 йил 1 март куни пойтахти-мизда Ўзбекистон халқ шоираси Зул-фиянинг ҳайкали очилди. Юртбоши-мизнинг мунис ва меҳнатқаш, ҳаёт-нинг ҳар қандай сурон ва тўфонлари қаршисида ўзини йўқотмай, сабр-то-қат ва шукроналик билан яшайдиган ўзбек аёли, ўзбек шоирасининг тим-соли акс этиши керак, деган ғояси Ўзбекистон халқ рассоми, ҳайкалта-рош Равшан Миртожиев ишлаган ҳайкалда тўла ифода этилган.

Баҳорнинг илк куни — Зулфия та-валлуд топан айёмда ардоқли шои-ра ҳайкали ўрнатилган хиёбон бай-рамона кўрка бурканди. Бу ерга дав-лат ва жамоат ташкилотлари раҳ-барлари, шоир ва ёзувчилар, Зул-фия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, шоиранинг мухлис-лари ва фарзандлари, жамоатчилик вакиллари йиғилди.

Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия-нинг ҳайкали очилишига бағишлан-ган маросимни Тошкент шаҳри хоки-ми А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳат-чиси Х.Султонов, Ўзбекистон Қаҳра-

монлари, халқ шоирлари А.Орипов ва Э.Вохидов, Ўзбекистон халқ шоира-си, «Саодат» журналы бош муҳарри-ри О.Ҳожиева, Зулфия номидаги Дав-лат мукофоти совриндори, ёш шоира Д.Усмонова, Зулфиянинг қизи, ада-биётшунос Х.Олимжонова Президен-тимиз Ислам Каримов раҳнамолиги-да мамлакатимизда барча жаҳалар-да изчиллик билан амалга ошири-лаётган ислохотларда халқимиз, ай-ниқса, ёш авлод маънавиятини янада юксалтириш устувор ўрин тутает-ганини таъкидладилар. Адабиёт ва санъат, маданият соҳаси равақига, ижодкор зиёлилар меҳнатига бе-рилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик бунинг яна бир ёрқин далилидир.

Давлатимиз раҳбари Шарқнинг фо-зила аёллари бошлаган эзгу анъана-ларни ХХ асрда янада бойитиб, янги поғонага кўтарган атоқли шоира ва жамоат арбоби Зулфиянинг бетак-рор ижоди ва ёрқин шахсиятига ҳаммша алоҳида ҳурмат ва эътибор билан қараб келётгани юртимиз жа-моатчилигига, айниқса, адабиёт ахлига яхши маълум. Истиқлолнинг дастлабки йилларида улуг шоиранинг «Дўстлик» ордени билан тақдирлан-гани, 80 йиллик таваллуд тўйи муно-

сабати билан Президентимиз шои-рага махсус табрик йўллаб, Зулфия опани самимий кутлагани, ижодий-ижтимоий фаолиятига юксак баҳо бергани ҳам шундан далолатдир.

Ана шундай юксак эътибор туфай-ли Президентимизнинг 1999 йил 10 июнда қабул қилинган Фармони асо-сида мамлакатимизда Зулфия номи-даги Давлат мукофотининг таъсис этилиши адабиёт, фан, таълим, ма-даният ва санъат соҳаларида изла-наётган, фаол, фидойи, ташаббускор ва иқтидорли қизларни кашф этиш-да муҳим аҳамият касб этмоқда. Утган даврда ўзининг аъло билими ва ҳулқи, адабиёт ва санъат соҳаси-даги истеъдодини намоян қилиб ке-лаётган юз нафардан зиёд иқтидор-ли қиз ушбу мукофотга сазовор бўлди. Ҳозирги кунда маънавий ҳаётимизда фаол иштирок этиб, кўпчиликка ўрнак бўлаётган бу қиз-лар тимсолида эл-юртимиз келгуси-да Зулфияхоним каби Ватанимиз шукратини дунёга таратадиган юк-сак салоҳият, ақл ва тафаккур соҳи-баларини қўришни орзу қилади.

4-бет

Поклик ва орасталик ҳашари

«Экология ва саломатлик кунлари»нинг Наврўз байрами ҳамда Ёшлар йилига бағишланган биринчи босқич тад-бирлари дастурига асосан мамлакатимизда 1 март куни Умумиреспублика экологик ҳашари бўлиб ўтди.

Унда республикамиз бўйича 1 минг километр узунликда ариқ ва зовурлар, каналлар тозаланди, 4 мингга яқин зиёратгоҳлар обод қилинди, 7 мингга яқин техника жалб этилиб, 100 гектар майдонда янги бог-роғларга асос солинди.

Ҳашарни ўтказиш республика штаби берган маълумотларга кўра, тадбирда 8 миллион нафардан зиёд киши фаол иштирок этди. Пойтахтимизнинг Ботаника боғи ҳудудида ўтган экологик ҳашарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзо-лари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, санъат ва адабиёт намояндалари, шунингдек, дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар, ёшлар, оммавий-ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Поклик ва орасталик тадбири бўлган мазкур умумиреспублика экологик ҳашарларидан тушган маблағ ёш оилаларни, айниқса, боқувчисини йўқотган ва ёлғиз кишиларни, кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда ўқувчи ва талабалар маиший шароитларини яхшилаш, Орол ва Оролбўйи сингари минтақалардаги ижтимоий объект-ларга ёрдам кўрсатиш мақсадида юбориладиган «Экосан» са-ломатлик поездлари ташкил қилишга йўналтирилди.

Хония АСИЛБЕКОВА, «Экосан» Халқаро ташкилотли матбуот котиби.

Анжуман

Ҳиндистон сайёҳлари Самарқандда



Самарқанд шаҳридаги «Афросиёб Палас» меҳмонхонасида халқаро туризм ривожига доир учрашув бўлиб ўтди. Ҳиндистон туристик фирмалари федерациялари вакил-лари иштирок этган анжуманда «Ўзбекту-ризм» миллий компанияси вилоят минта-қавий бўлими раҳбари Илҳом Сувонов Са-марқанд шаҳрининг тарихи ва бугунги кун-да олиб борилаётган ишлар ҳақида ахбо-рот берди. Кейинги йилларда вилоятда ту-ризмни ривожлантириш, тарихи узоқ минг йилликларга тенгдос қадимий шаҳарга ташриф буюраётган сайёҳларга жаҳон ан-дозалари даражасида шарт-шароитлар яра-тилаётгани эътироф этилди.

— Ўтмишнинг минг-минглаб сир-синоат-ларини ўз бағрига жо этган тарихий шаҳ-рингизда туризм соҳасини ривож и учун кат-та имкониятлар мавжуд, — дейди Ҳинди-стон сайёҳлик ташкилотли раҳбари Правен Чху. — Мамлакатимизга қайтган, Самарқандни кўриш истагида юрган юртдошларимизга қадимий шаҳарнинг бой тарихи ҳақидаги таассуротларимизни ҳикоя қиламиз.

Қизгин савол-жавоблар асосида ўтган уч-рашувда ҳар икки томон сайёҳлик алоқала-рини мустаҳкамлаш, халқлар ўртасида ту-ризмни ривожлантириш борасидаги таклиф-лар ҳусусида келишиб олдилар.

Шухрат ҚАРШИЕВ

Сайловчи билан ҳамнафас

фаолият юритиш парламентчи-ликни янада такомиллаш-тиради дея таъкидланди депутатлар-нинг сайлов-чилар билан учрашува-рида

2

Медведев етакчилик қилмоқда

2 март куни Россия Федера-циясида прези-дент сайлови бўлиб ўтди. Сайлов учас-талари ёпилга-нидан 7 соат ўтиб Марказий сайлов комис-сияси бюлле-тенларнинг 90 фоизини санаб бўлди, деб ха-бар қилади РИА Новости.

3

«Мўйқаламда чизгум юртим жамолин»

Умидли ва ис-теъдодли мўйқа-лам соҳиб чиз-ган 20 дан орт-қ гўзал, нафис су-ратлар яқинда республика «Ка-молот» ёшлар иж-тимоий харакати Марказий Кен-гаши томонидан ўтказилган кўргазмада юқори баҳолан-ди ва муносиб тақдирланди.

4

O'zbekiston havo yo'llari



Хизматлар лицензияланган

Депутат ва ҳаёт

Нукус шаҳар ҳокимлигида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулистон Аннакличева ўз сайловчилари билан учрашди.

Депутат 2007 йилда мамлакатимизнинг ижтимоий, иқтисодий ривожланишида юқори натижаларга эришганини таъкидлади. Ана шундай мустақам заминга таянадиган 2008 йил ишловларини янада чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизациялашда муҳим ўрин тутди. Мана 3 йилдирки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси доимий фаолият олиб бориб, депутатлар қонун ижодкорлиги борасида муайян тажриба тўпладилар. Айниқса, сиёсий партиялар фракциялари қонун лойиҳаларини қўриб чиқишда фаол иштирок этапти. Депутатларнинг амалдаги қонунлар ижросини назорат-таҳлил фаолиятида чуқур ўрганишлари ва уларнинг тегишли кўмиталар кенгайтирилган йиғилишларида муҳокама этилиши самара бермоқда. Утган йилда Қонунчилик палатаси кўмиталари томонидан қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан 40 дан зиёд масала қўриб чиқилди.

ЎЗДП фракцияси 2007 йилда ўз йиғилишларида 130 дан ортиқ қонунларга оид масалани муҳокама этди. Фракцияга сайловчилардан келган 112 та хат ва ариза ижобий ҳал қилинишига эришилди. Бугунги кунда фракция ўз фаолиятини «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун талаблари асосида такомиллаштириш, партиянинг дастурий мақсад ва вазифалари, электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда парламентни ошириш, қонунларнинг ишлаб чиқиши, қабул қилиниши жараёнида депутатлар иши самарадорлигини янада кучайтириш юзасидан янги режалар асосида давом эттирмоқда.

Г.Аннакличева сайловчиларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарди. Шунингдек, депутат Тахиятош шаҳри, Амударё туманида ҳам сайловчилар билан учрашди.

(Ўз мухбиримиз).

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Анвар Бойқуловнинг Денов туманида сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтди.

С.Раҳимов номли галлачилик-уруғчилик ҳўжалигида бўлган дастлабки учрашув му-

«Мустақиллик» ҳамда Абдуқайюм Каримов номли деҳқон-фермер ҳўжаликлари уюшмаларида бўлиб ўтган учрашувларда меҳнатга лаёқатли кишиларни иш билан таъминлаш, бунинг учун қишлоқ жойларида ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш, инвестиция киритиш, қўшма корхоналар ташкил этиш масалалари долзарблиги таъкидланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Денов туман кенгашидаги учрашувда Ўртбошимиз ташаббуси билан 2008 йил Ёшлар йили деб

эҳтиёж сезилмоқда. Шундай экан, келажакда ҳозирданок пойдевор қўйиш лозим. Богча-мактаб-оила муштараклиги мужассам бўлса, қўзланган мақсадга эришилади.

Ҳазорбоғ қишлоқ ҳўжалик касб-хўнар коллежи ва туман ҳокимлигида ҳам шундай учрашувлар бўлиб ўтди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,

«Ўзбекистон овози» мухбири.

109-Касби сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчи-

ҳиссаси катта бўлишини таъкидлади.

— Қонун лойиҳаси кўпчиликнинг назаридан ўтса пиш-қиш-пукта бўлади, — деди у.

Депутат, шунингдек, Касби туманидаги иқтисодиёт, қишлоқ ҳўжалиги, Муборак туманидаги тиббиёт коллежларида, Миришкор туманида ҳам сайловчилар билан учрашди.

(Ўз мухбиримиз).

Қонунчилик палатаси депутаты Насимқул Каримов ўз сайловчилари билан учрашувни Ангор туманидаги тиббиёт ходимлари билан мулоқотдан бошлади.

Депутат парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти ва бу борадаги вазифалар ҳақида тўхталди. Назорат-таҳлил орқали амалдаги қонунлар мониторингини ўтказиб борилаётгани, бу жараёнда ҳар бир фуқаро ўз сайлаган депутат орқали тақлиф-мулоҳазаларини бериб бориши мумкинлигини қайд этиб ўтди.

Шунингдек, у «Чинобод» маҳалласи, халқ таълими бўлими, шунингдек, Музработ туман ҳокимлигида ҳам сайловчилар вакиллари билан учрашди. Депутатнинг таъкидлашича, сайловчилар бу галги учрашувда кўпроқ қонунчилигимиз билан боғлиқ саволларни ўртага ташлашган.

Депутатлар, шунингдек, учрашувлар жараёнида ЎЗДП сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимининг шаҳар, туман кенгашилари даражасидаги машғулотида ҳам иштирок этилди. «Ёшлар» — халқимиз, Ватанимиз келажиги, бугунги ва эртанги куннинг ҳал қилувчи кучи» мавзусидаги мазкур семинарларда сўзга чиқиб, ёшларнинг қўллаб-қувватлашга жавоб қайтардилар ва тақлифларини тингладилар.

Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ,

«Ўзбекистон овози» мухбири.

Иқтисодий ўсишнинг

Таҳлил ва таққос

Ўзбекистон бўйича ялпи ички маҳсулот 2007 йилда 9,5% га ошган бўлиб, саноат товарларини ишлаб чиқариш 12,1% га ва қишлоқ ҳўжалик товарлари 6,1% га ошди. Марказий банк ҳисоби бўйича инфляция 2006 йилги каби 6,8% бўлди. Айниқса, юқори кўрсаткич — машина ишлаб чиқариш бўйича бўлиб, 2007 йилда 22,7% га ошди. Бу кўрсаткичлар қабул қилинган солиқ энгилликларини самараси, албатта ва шубҳа йўқки, мазкур қўшимча солиқ тadbирлари республикамиз бўйича иқтисодий ўсишга 2008 йилда ҳам ижобий таъсир қилади.

Президентимиз томонидан солиқ соҳасида қабул қилинган Фармон ва қарорларнинг асосий мақсади — тadbиркорликни ривожлантириш учун солиқ юкни камайтириш, солиқ солиш механизмининг соддаштириш, солиқларни бирхиллаштириш (унификациялаш) ва оптималлаштиришга қаратилмоқда. 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджет параметрлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар қилиш тўғрисидаги Қонун асосида солиқ солиш тартибига 2008 йилда қўллаб ўзгаришлар қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2008 йил солиқ сиёсати аниқлаш, тизим олдига қўйилган принциплар белгилаб олинди. Жумладан: солиқ юкни пассивлаштириш, аҳолининг реал даромадларини ошириш, тўғри солиқлар улушини камайтириш, солиққа тортиш тизимини соддаштириш ва солиқ текши-

рувларини қисқартириш. Ягона солиқ тўловлари ставкаси микрофирма ва кичик корхоналар учун 13 %дан 10 %га қисқарди. Бу эса маълум суммани юридик шахслар ихтиёрида қолдириб, иқтисодий ўсишга ижобий таъсир қилади. Иқтисодиётни либераллаштиришда муҳим ўрин — биринчи наъбатда солиқ оғирлигини қисқартириш, солиққа тортиш тизимини соддаштириш ва умумлаштириш масалаларига қаратилди.

Фақат 2000-2007 йиллар ичида йилма-йил юридик шахслар учун даромад (фойда) солиқ ставкаси 38 % дан 10 % га қисқартирилди. Ягона ижтимоий тўлов 40% дан 24 % га, кичик бизнес ва қишлоқ ҳўжалигида фермер ишлаб чиқарувчи субъектлар учун ягона солиқ 10% га камайтирилди. Жисмоний шахслар даромадида солиқ ставкаси қайта қўриб чиқилиб, юқори ставка 45% дан 25 % га қисқартирилди. Натижада, фақат охириги етти йил ичида иқтисодиётда солиқ оғирлиги 40 % дан 27% га камайтирилди. Бунга эришиш учун солиқлар сонини 24 тадан 10 тага камайтирилгани ҳам таъ-

Биринчи мақола

республика молиявий ресурсларини 830 миллиард сўмга кўпайтирди.

2008 йилда ҳам солиқ сиёсатини либераллаштириш сиёсати давом этади. Кичик бизнес, хусусий тadbиркорлик ва фермер ҳўжалик субъектлари учун ягона солиқ ставкаси 2008 йилдан 10 % дан 8 % ва компьютер бутловчи микрофирмалар учун 5 % га қисқартирилди.

Тижорат банклари фойдасидан олинадиган солиқ ставкаси 17 % дан 15 % га қисқартирилди, бу эса уларни капитал билан таъминлашни ошириш учун мақсадли йўналтирилган. Қолган бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар учун фойда солиқ ставкаси мунтазам даражада 10 % ҳажмида сақланиб қолади. Бу ставка нафақат МДҲ давлатларида, балки, иқтисодиётни ривожланган чет эл мамлакатлари ичида ҳам энг паст ставкалардан бири ҳисобланади. Тақлиф қилинаётган солиқ тadbирлари ҳўжалик юритувчи субъектлар тасарруфидан қўшимча хар йили 100 млрд. сўмдан ортиқ маблағ қолдирмоқда.

Баркамол авлод орзуси



Самарқанд вилоятидаги Иштихон педагогика коллежи 2001 йилда ташкил этилган. Бу ерда 1500 дан ортиқ йигит-қиз тўрт йўналиш бўйича таълим олади. Улар касб сирларини мукаммал эгаллаш, етук мутахассис бўлиб етишиши учун замон талабларига мос барча шароитлар яратилган. Ўқувчиларга юз нафардан ортиқ ўқитувчи ва мураббийлар сабоқ бермоқда.

50 ўринли шинам ётоқхона, 250 ўринли анжуманлар зали, ошхона, замонавий спорт зали, компьютер хонаси, бой китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази ўқувчилар ихтиёрида.

— Инсонни улуғликка элтувчи энг муҳим восита китобнинг ўрнини ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайд, — дейди коллеж ахборот-ресурс маркази раҳбари Клара Норкулова. — Бугун кутубхонамизда 15 мингдан ортиқ китоб, электрон дарсликлар мавжуд. Шунингдек, жойларда марказимизнинг 9 та шохобчаси фаолият кўрсатмоқда. Ундан нафақат ўқувчиларимиз, балки аҳоли ҳам бемалол фойдаланиши мумкин.

Ўқитиш, таълим-тарбия жараёнлари намунали йўлга қўйилган бу билим даргоҳида қўшни Жиззах, Навоий, Қашқадарё вилоятларидан ҳам қўллаб ёшлар келиб ўқишмоқда.



Суратларда: коллеж ҳаётидан лавҳалар.

Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар.

ЎЗДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

Кун тартибиди:

Ёшлар масалалари

— Ёшлар йилида ЎЗДП фаоллари ёшлар билан ишлаш, уларнинг манфаатларини тўлароқ таъминлашга йўналтирилган тadbирларни кенроқ доирада ўтказишга ҳаракат қилмоқдалар, — деди Фаргона вилоят партия кенгашида ўтказилган «Ёшлар — халқимиз, Ватанимиз келажиги, бугунги ва эртанги куннинг ҳал қилувчи кучи» мавзусидаги семинарда ХДП Учқўприк туман кенгаши раиси Илхомжон Каримов. — Масалан, Учқўприк туманида саноат коллежи фаолият кўрсатмоқда. Аммо туманда, афсуски, саноат корхоналари кам. Бу ўқув даргоҳини тугаллаб, тегишли мутахассисликни эгаллаган ёшларни иш билан таъминлаш масалалари бўйича махсус дастур тайёрлаб, депутатлик гуруҳи орқали халқ депутатлари туман Кенгаши муҳокамасига киритишни режалаштириб турибмиз.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, туман ва шаҳар партия кенгаши раҳбарлари, фаоллар, жамоатчилик вакиллари қатнашдилар. Вилоятда бутун республикамизда бўлганидек, ёш авлод-

ни юксак маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни чинакам, садоқатли фуқаро сифатида шакллантириш юзасидан кенг қўламли тарбиявий ишлар амалга оширилмоқда. Бунда Ўзбекистон ХДП вилоят ташкилотлари, «Истикбол» ёшлар қанотининг ҳам алоҳида ўрни, ҳиссаси бор. ЎЗДП Данғара туман кенгаши 29 нафар етим, парваришга муҳтож болаларни ўз ҳомилигига олди. Бошқа туман, шаҳар кенгашларининг ҳам ибратли ишлари кўп.

Анжуманда сўзга чиққанлар Ёшлар йилида партия ташкилотлари олдидаги вазифалар, қилинажак ишлар ҳусусида сўз юритдилар. Қишлоқ жойларида кичик корхоналар ташкил этиш, қасаначиликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари барпо этиш, ёшларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, билим олишлари, касб-хўнар эгаллашлари учун янада қўлай шарт-шароитлар яратиш вазифалари ва бунда ХДП ташкилотларининг ўрни ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Алишер ИБОДИНОВ,

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Сурхондарё вилоят кенгашининг сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими доирасида наъбатдаги семинар машғулотини бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман партия кенгашлари раҳбарлари, «Истикбол» ёшлар қаноти етакчилари, партия фаоллари иштирок этишди. Машғулотда «Ёшлар халқимиз, Ватанимиз келажиги, бугунги ва эртанги куннинг ҳал қилувчи кучи» мавзуси муҳокама этилди. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда ЎЗДПнинг иштироки, ёшларнинг ўрни юзасидан фикрлар алмашилди.

Жиззах шаҳар кенгашида «Оналик ва болаликни ҳимоя этиш, соғлиқни муҳофазалашда давлат ва жамоат ташкилотларининг роли» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда шаҳар партия кенгаши «Фаол аёллар» ва «Истикбол» ёшлар қаноти етакчилари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг хотин-қизлар масалалари бўйича масолаҳатчилари, партия фаоллари, бошланғич ташкилотлар раислари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этиди.

— Бугунги тadbирнинг мақсади, — деди шаҳар партия кенгаши раиси Н.Сиддиқов, — оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масаласи партияимизнинг дастурий мақсадларидан бири эканини эътиборга олиб, соҳада амалга оширилаётган ишларга партия фаолларини жалб этиш, мутасадди ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда жойлардаги аҳолини ўрганиш, мониторинг олиб бориш, энг асосийси, кўмакка муҳтож қатламнинг муҳофазасини кучайтиришга ҳаракат қилишдир.

Наманган вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти томонидан «Аёллар — келажак яратувчиси» мавзусида семинар ташкил этилди. Унда маҳаллий Кенгашлардаги ЎЗДПдан сайланган депутат аёллар, шаҳар, туман партия кенгашлари «Фаол аёллар» қаноти ва бошланғич ташкилотлар раислари, ижтимоий ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этиди. Унда хотин-қизларнинг таълим олиши, касбий тайёргарлиги ва малакасини ошириш, меҳнатини энгиллаштириш, саломатлигини тиклаш ҳамда ижтимоий фаоллигини кучайтиришга доир қонун ҳужжатлари ижросида партия ташкилотларининг иштироки борасида фикр алмашилди.

Хоразм вилоят кенгаши томонидан Урганч туризм касб-хўнар коллежидида «Баркамол авлод — Ўзбекистон келажиги» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этган тadbирда партия вилоят кенгаши раиси Р.Сабуров мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёш авлод тарбияси, баркамол, соғлом, маънан бой бўлиб воғга етишида яратилаётган имкониятлар, ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг аҳамиятига батафсил тўхталди.

Шундай тadbирлар Ҳазорасп, Богот ва Янгибозор туман кенгашлари томонидан ҳам ўтказилди.

Ўзбекистон ХДП МК

матбуот хизмати

Экспорт ҳажми ошади

«Пешкутекс» Ўзбекистон — Белоруссия қўшма корхонаси Бухоро вилоятида ривожланишининг янги босқичига чиққан корхоналардан бири. Бултур бу ерда 1300 тонна ип-калага ишлаб чиқарилиб, унинг 1000 тоннаси Италия, Польша, Белоруссия, Россия каби мамлакатларга экспорт қилинди.

— Утган йилнинг ўрталарида, — дейди қўшма корхона директори Шароф Омонов, — Швейцариянинг «Риетер» ва Италиянинг «Тиссилмек» компаниялари билан ихтисослашган замонавий дастгоҳлар юзасидан шартнома имзолаганди. Янги дастгоҳлар ўрнатилгач, ишлаб чиқариш ҳажми 20 фоизга ошди. 18 та янги муҳим иш жойлари яратилди...

Жорий йилда корхона жамоаси 2000 тонна ип-калага ишлаб чиқариш ва унинг 1700 тоннасини хорижий ҳамкорларга етказиб беришни режалаштирган.

Даврон БАҲРОНОВ,

«Ўзбекистон овози» мухбири.

Шаҳрихон пичоқлари Украинада

Шаҳрихонлик хўнарамандлар Маъмиржон Саидхўнов билан Ҳабибулло Устахонновлар Украинада ўтказилган катта қўриқ-танловда соғлиқни ўрнини эгаллашди.

— Шогирдларим ютуқдан бошим осмонда, — дейди уларнинг устози Раҳматулло Алихўжаев. — Пичоқ-қўриқнинг ҳам ўзига хос нозик жиҳатларини пукта ўрганиш учун иш-тиёқ, меҳнат, изланиш керак...

Шаҳрихонлик пичоқсозлар шу йил кўламли Киевда бўладиган аънанавий қўриқ-танловда ҳам қатнашишга тайёргарлик кўраптилар.

Аҳмадилло СОЛИБ

Энг тоза шаҳар ойлиги

Учқудуқ республикамизда йил сайин яшариб, маданий-маиший, савдо ва маъмурий бинолари қурилиши тобора кўпайиб бораётган, иқтисодий ҳамда ижтимоий кўрсаткичлари юксалаётган шимол-ий обод туманлардан бири. Яқинда бу ерда туман ҳокимлиги ҳудуд хотин-қизлар кўмитаси, маҳалла ва овул фуқаролар йиғинлари фаоллари ташаббуси билан жорий йилнинг март ойида «Обод Учқудуқ — энг тоза шаҳар» ойлиги ўтказиш бўйича фармойиш қабул қилди.

Мазкур тadbир «Шимол овози — Голос севера» номли маънавий-маърифий қўриқ-танлови билан яқунланади. Фолиблар танлов низомига кўра, эсдалик ва қимматбаҳо совғалар билан мукофотланади.

Баҳодир АЛИМОВ,

Навоий вилояти, Учқудуқ туман

Ахборот матбуот маркази бош мутахассиси.

ЯНГИ СОЛИҚ МЕХАНИЗМЛАРИ

Мамлакатимизда ҳўжалик субъектларига нисбатан ўрнатилган солиқнинг ёркинроқ намоён бўлиши учун дунёнинг айрим давлатларидаги мавжуд солиқ юки билан таққослаш мақсада мувофиқ. Бунинг учун мамлакатда солиқ юки саломатининг ЯИМга нисбатан улушнинг учта йирик гуруҳга ажратган ҳолда қўриб чиқиш мумкин:

биринчи гуруҳ — солиққа тортишнинг энг юқори даражаси ЯИМга нисбатан 40 фоиздан ортиқни ташкил этган мамлакатлар (Дания, Италия, Люксембург, Франция, Германия ва бошқалар);

иккинчи гуруҳ — солиққа тортишнинг ўртача даражаси ЯИМга нисбатан 30 фоиздан 40 фоизгача бўлган мамлакатлар (Канада, Буюк Британия, Австралия, АҚШ, Украина) ва бошқалар;

учинчи гуруҳ — солиққа тортишнинг энг паст даражаси ЯИМга нисбатан 30 фоизгача нисбатан ташкил этган мамлакатлар (Индонезия, Хитой, Хиндистон, Миср, Малайзия, Жанубий Корея) ва бошқалар;

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, жаҳоннинг турли мамлакатларида ўрнатилган солиқ юки даражаси турлича. Айниқса, биринчи ва иккинчи гуруҳга кирувчи мамлакатларда солиқ юки нисбатан юқори даражада ўрнатилган.

Ўзбекистон ҳукумати ва Давлат солиқ қўмитасининг саяёҳаракати билан мамлакатимиз солиқ юки даражаси қатор йиллар давомида мунтазам пасайиб бораётганини ҳамма қўриб турибди. Масалан, ушбу қўрсаткич 2000 йилда 40.1 фоизни, 2007 йилда эса 27

фоизни ташкил этди.

Кўриниб турибдики, мамлакатда оқилона солиқ сиёсатининг юритилиши ва ҳўжалик субъектларини солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими-га ўтказилиши ЯИМга нисбатан солиқ юкини пасайтириб бориш имкониятини бермоқда. Мазкур ҳолат ижобий натижа сифатида баҳоланиши керак. Чунки мамлакатда ЯИМга нисбатан солиқ улушнинг пасайиши — ҳўжалик юритувчи субъектлардан олингандаги солиқ миқдорининг камайганидир далолат беради. Бу эса ўз навбатида уларнинг айланма маблағларини қўлайлаштириш орқали мамлакатда бозор мувозанатини таъминлашга замин яратди.

«Солиқ юки» ва «Солиқ оғирлиги» қўрсаткичларига таъсир қилувчи омилларга асосан қўйидагилар киради:

— солиқ оғирлигини камайтириш бўйича ишлаб чиқарувчилардан бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар учун ундирилган солиқлар суммаси — ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва иқтисодий ривожланишнинг белгиланган суръатларида (оптималлашган) мувофиқлаштирилиши ҳисобига эришилади. Чунки солиқ сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири — давлат харажатларини ўз вақтида ва мўлжалланган ҳажмда молиялаштириш учун бюджет даромадларининг етариллиги ҳисобланади. Бу эса, ўз ўрнида солиқ юкини камайтириш борасидаги сиёсатни бюджетнинг харажатлар қисмини оптималлаштириш чоралари билан ҳаммоҳоз тарзда олиб борилишини тақоза этади. Шунингдек, ҳукумат бюджет харажатларини унинг

тақчиллигини келтириб чиқармайдиган ҳолда ўстириш сиёсатига таянади.

Дунё мамлакатларида қўлланиладиган солиқ юкларига назар солсангиз, солиқ тўловлари даражаси ЯИМга нисбатан турли давлатларда турлича: юқори, ўртача ва ўртадан паст даражаларда. Масалан, Люксембург, Франция давлатларида — солиқлар салмоғи ЯИМнинг 40 фоизидан ортиқ; Дания, Швеция, Австралия, Германия, Буюк Британия давлатларида ЯИМнинг 30 фоизидан 40 фоизгача; Хитой, Хиндистон, Миср, Малайзия, Жанубий Кореяда 30 фоизгача.

Корхона ўз маблағларини мустақил равишда тасарруф эта олиш салоҳиятига эга бўлиши керак. Корхона бўйича солиқ юкининг камайиши давлат миқёсида ЯИМга нисбатан солиқ оғирлигини камайтиришга олиб келади. Солиқ оғирлигини камайтиришнинг кейинги йўналиши бевосита соликларни камайтириш ва билвосита соликларни ҳамда ресурс тўловларини, айниқса, қайта тикланмайдиган табиий бойлиқлар, ер ва сув захираларидан самарали фойдаланишни оптималлаштириш йўли билан мақсадга эришиш мумкин.

Солиқ оғирлигини камайтириш сиёсатини амалга ошириш мақсадида — бюджетлараро нисбатларга қатъий риоя қилиш, яъни, даромадларнинг қайси қисми ишлаб чиқарувчиларда қолиши, қайси қисми маҳаллий ва республика бюджетига келиб тушиши лозимлигини оптималлаштиришнинг таъминлаш ҳисобига эришилиши мўлжалланган. Давлат бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш

бўйича янги тадбирлар қабул қилиб, уларга маҳаллий бюджетлар базасини ошириш, умумдавлат солиқларидан ажратмаларни ўзгартириш, харажатларни оптималлаштириш, субвенциялар ажратиш ҳамда миллий дастурларни молиялаштириш жиҳатларини назарда тутати.

Солиқ сиёсатини шакллантиришда давлат харажатларининг мумкин қадар қисқартирилиши ва оптималлаштирилиши катта устуворликка эга. Бу масала давлат томонидан доимо такомиллаштириб борилади. Давлатнинг бошқариш харажатларини камайтириш мақсадида бири-бирини тақрорлайдиган бошқарув органларини қисқартириш ва ҳокимият харажатларини минимизациялаш чора-тадбирлари амалга оширилади.

Қисқа қилиб айтганда, давлатнинг иқтисодда аралашуви-ни камайтиришга қаратилган либераллаштириш сиёсати асосида ҳар йили солиқ юкини камайтириш чоралари амалга ошириб борилади. Солиқ юкини камайтириш тадбирларини амалга ошириш билан бирга янги солиқ тадбирлари ҳам жорий қилинаётгани, бу тадбирлар ишлаб чиқаришни ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга, аҳолининг реал даромадлари ҳамда истеъмол талабларини юксалтиришга қаратилган.

Тошбаб ТОШМУРОДОВ,
Давлат Солиқ хизмати-нинг II даражали маслаҳатчиси, иқтисод фанлари доктори, профессор.
(Давоми бор.)



Медведев етакчилилик қилмоқда

2 март куни Россия Федерациясида президент сайлови бўлиб ўтди. Сайлов участкалари ёпилганидан 7 соат ўтиб Марказий сайлов комиссияси бюллетенларнинг 90 фоизини санаб бўлди, деб хабар қилади РИА Новости.



Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, сайловда Дмитрий Медведев 70,23 фоиз овоз олган. Сайлов муносабати билан АҚШда 16 та сайлов участкаси очилган. Сайловчиларнинг иштироки баъзи ҳудудларда 90 фоиздан банд. Сўнгги натижаларга кўра; Геннадий Зюганов 17,7, Владимир Жириновский 9,37, Андрей Богданов 1,29 фоиз овоз олган.

110 киши ҳалок бўлди

Якшанба куни Исроил армиясининг Газо минтақасида ўтказган операциясида яна ўн нафар фаластинлик ҳалок бўлди, деб хабар қилади РИА Новости.

Шу тариха сўнгги беш кун ичида ҳаётдан кўз юмган фаластинликлар сони 110, яраланганлар эса 300 нафарга етди. Жабр қўрилганнинг аксарияти аёллар ва болалар. Эслатиб ўтамиз, ўтган жумадан бери Исроил армияси Жаблия шаҳрининг шарқидеда тўнлашуви бартараф этиш учун ер усти операциясини олиб бормоқда. Жангариларга қарши қурашда Исроил армиясидан икки нафар ҳарбий ҳалок бўлиб, бир нечтаси яраланган. Исроил ҳукумати вакиллари хабарига кўра, фаластинлик жангарилар ишлатётган янги ракета турлари Эрон орқали Мисрдан келтирилган.



Музаффер ШАРОПОВ

Ёпиқ эшик ортида

Вена шаҳрида душанба кундан атом энергияси бўйича халқаро агентлик бош Кенгашининг (МАГАТЭ) сессияси иш бошлади. Аъёнага биноан форум ёпиқ эшик ортида ўтади, деб хабар беради РИА Новости.



35 мамлакат вакиллари 2007 йил ядро хавфсизлиги масаласи, 2008 йил агентлигининг ядро фани, технологияси ва истеъмолига тааллуқли режаларини қўриб чиқади. Сессияда Эрон ядро дастури бўйича агентлик раҳбарининг ҳисоботи тинглангани кўтилмоқда. Ҳужжатда айтилишича, Эрон миллий ядро дастури масалаларида анча «шаффоф», аммо бу дастурнинг тинчликпарварлик йўлида хизмат қилишига етарли асос эмаслиги таъкидланган.

Эслатиб ўтамиз, келишувга биноан Эрон февраль ойининг охиригача ядро дастурига тааллуқли барча ноаниқликларга барҳам беришни ваъда қилганди.

Элчи чақириб олинди

Колумбия армиясининг Эквадор чегарасида ўтказган операциясидан сўнг Эквадор ҳукумати Колумбиядаги элчисини чақириб олди, деб хабар беради РИА Новости.

«Эквадор шанба куни Колумбия билан чегарадош бўлган ҳудудда юз берган таҳовуз ва мамлакат ахлининг бузилишини назарда тутиб Боготадаги элчисини зудлик билан чақириб олишга қарор қилди», — деб изоҳ беради мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги. Эслатиб ўтамиз, Колумбия қўшинлари Эквадор ҳудудида Колумбия Революцион қўролланган қўчалари (КРКК) исёнчиларига қарши операция олиб борди. Натيجида исёнчилар етакчиси Раул Рейес ҳалок бўлди.

КРКК 1964 йил тузилган. Ҳозир унинг 18 минг аъзоси бор. 2001 йил АҚШ давлат департаменти уни террорчи ташкилотлар рўйхатига киритган. Юзага келган зиддият туфайли Эквадор президенти Рафаэл Корреанин Куба ва Колумбияга режалаштирилган ташрифи бекор қилинди.

Македониянинг номи ўзгарадими?

НАТО бош директори Яап де Хооп Схеффер душанба куни Афинага ташриф буюрди, деб хабар беради РИА Новости.

Хооп Схеффернинг Греция Ташқи ишлар вазирли билан учрашуви режалаштирилган. Ташрифдан мақсад Греция ва Македония ўртасида Македониянинг янги номланиши масаласини ҳал этишдир. Агар Македония ўз номини ўзгартирмаса, Греция унинг НАТОга аъзо бўлишига тўсқинлик қилишини айтмоқда.



Эслатиб ўтамиз, Македония Грецияда жойлашган провинция номидир. Греция ҳукуматининг фикрича, бир хил номланиш ҳудудий норозилик келтириб чиқариши мумкин. Икки давлат ўртасида музокара олиб бораётган ҳужжатда беш хил ном таклиф этилган. Ҳужжатда томонлар Македония ё «македониялик» сўзларини ишлатмаслик, бири-бирига таъна қилмаслик мажбуриятини олиши таъкидланган.

Шаҳарлар сони ошади

БМТнинг аҳолишунос мутахассислари 2008 йилнинг охирига бориб сайёрамиз аҳолисининг ярми шаҳарларда яшашини, 2050 йилгача эса «шаҳарликлар»нинг сони 3,1 миллиард кишига қўлайиб, 6,4 миллиардга етишини тахмин қилмоқда.

Ташкилот вакилларининг сўзларига кўра, қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга қўчиши ҳамда қишлоқларнинг шаҳарларга айлантирилиши натижасида шаҳарлар сони янада қўлаяди.

Қадимий сарой топилди

РАТА-ТАССнинг хабар беришича, Перуда 5,5 минг йил муқаддам барпо этилган сарой топилган.

Маҳаллий оммавий ёхборот воситаларининг хабарига қараганда, Сечан Баҳо археология мажмуасидаги бу сарой мамлакатдаги энг қадимий иншоотдир. Унинг ўзининг 180, эни эса 120 метрни ташкил этади. Археологик лойиҳа раҳбари Петер Фучсининг таъкидлашича, ушбу бебаҳо топилма сайёрамизда минг йиллар аввал ҳам ривожланган цивилизация мавжуд бўлганидан яна бир далолатдир.

Агрофирмада касаначилик

Навоий тоғ-металлургия комбинатида қарашли «Дўстлик» агрофирмаси асосан тоғ-кон саноати ҳодимлари учун қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етказиб беради. Бу хайрли иш учун 585 нафар киши жалб этилган. Мана, икки йилдирки, агрофирмада касаначилик ҳам йўлга қўйилди. Натижада 56 нафар хотин-қиз янги иш ўринларига эга бўлишди. Уларга дастлаб 50 гектарлик терак ва толзор, шу-

нингдек, 15 гектарлик супургибоп экин майдони ажратилди.

Савол туғилиши мумкин, касаначилар ерни нима қилишди? Ҳунарманд уй бекалари терак ва тол чўлларидан қўчмалар, саватлар ясаб, супургибоп ҳўжорининг ўзидан йилига 19-20 минг дон супурги боғлашапти. Меҳнатнинг бу янги туридан агрофирма ўтган йили 15 миллион сўмдан зиёд даромад қилди. Айниқса,

Бибигул Асқарова, Марям Қаҳқорова, Сабохат Алимова каби касаначилар бу борада жонбозлик кўрсатмоқда.

Бу ҳақи илҳом бўлишиди. Агрофирмада шу йўл билан 2008 йилда яна қўшма 30 та янги ишчи ўринлари ташкил этилиши қўзда тутилган. Улар ёрдамида бу ерда тол ва терак шохларидан дурадгорлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

Музаффер ШАРОПОВ

Иқтисод ва ислохот

...Ўтган йил апрель ойи ўрталарида Қаршига қараб йўлга чиққанмизда кун ҳали оқармаганди. Катта тош йўл Яккабоғ тумани ҳудудидан ўтадиган жойнинг бир чеккасида «Сохибқирон» чойхонаси қад кўтарган, атрофи эса кета-кетгунча гаплароз.

— Ҳов, дала ўртасига қаранг, — деб қолди синфдош дўстим Ҳуломжон машина юришини секинлатар экан. — Ёғоч кроватда ётган одамни кўраёйсизми? Уйига, бола-чақаси олдига борма, даласини қўриқлапти.

— Ҳа, энди бугдой майсалари бош тортиб қолган-да, — унинг фикрига қўшиламан. — Одамлар ҳар хил, биров мол-ҳолини далага ҳайдаб қўйиши ёки галла майсаларини ўриб кетиши мумкин. Меҳнатига ичи аниқли-да!

— Йўқ, илгари шундай манзарани кўрганмисиз? — Ҳуломжон фикрини изоҳлай бошлади: — Олдинги пайтлар кечаси гўзага сув тараганларини далада қолишча унатиш осон бўлмасди. Бугун ер деҳқонники. Бу дала-ларда бола-чақасининг насибаси бор. Мен бошқа гапни айтмоқчи эдим. Қўпдан ўйлаб, айрим пайти таъжирба алмашиб юрамиз, Яккабоғ тумани иқтисодий жиҳатдан бақувват. Деҳқонларни ҳам ишнинг кўзини билишди.

У айтмаганда ҳам Яккабоғ туманида амалга ошаётган ибратли ишлар ҳақида ўйлаб юрар эдим. Қашқадарё вилоят ҳокимлиги қишлоқ ва сув ҳўжалиги қотиб-бисти мудири Жуманазар Тангиров билан суҳбатлашгач, тумандаги ўзгаришларга қизиқишнинг янада ортиди. У шундай деганди:

— Ўтган йили воҳада деҳқончилик борақали бўлди. Албатта, вилоятнинг галла ва пахта хирмонларига салмоқли ҳисса қўшган туманлар кўп. Аммо шартнома режасидан ошқ — 3 минг тоннага яқин галлани Яккабоғ тумани етказиб берди. Пахтачилик ва бошқа соҳаларда ҳам кейинги йилларда бу туманда ўсиш кўзга ташланапти. Моҳир деҳқонлар фикрича, ҳар қандай мўл ҳосил гарови бир йиллик

маня қўшма корхонаси ишга тушиб, ҳозир ип калаваларини тўлиқ хорижга чиқарапти. Ўтган йили охирида фаолиятини бошлаган «Хумотекс» Ўзбекистон — Швейцария — Хитой қўшма корхонаси ҳам анча ёшларни иш билан таъминлаш имконини берди. Яна бир тадбиркор хусусий консерва корхонасини кураётти.

Яккабоғ аҳолиси 215 мингдан ошқ бўлса, 60-65 фоиз қишлоқларда яшайди. Суғориладиган ер ҳам, сув ҳам ўлчовли. Қир-адир, лалми ерлар анча. Ҳукуматимизнинг қарорларидан келиб чиқиб, 5 мингта деҳқон ҳўжалиги тузди. Одамлар лалми жойларда деҳқончилик қилишпти, чорвачилик билан шўғулланишпти. Бунинг ишқилидир» дея таъкидлагани бежиз эмас.

— Барча ишларимиз, тузаётган режаларимиз айнана шу улў мақсадга қаратилган, — дейди туман ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Зафар Рўзиев. — Очиги, бундан бир неча йил бурун пахта тозалаш ва донни қайта ишлаш корхонасини ҳисобга олмаганда, туманда саноат ривожини умидсиз туюларди. Ҳаёт бунинг аксини исботлади. Икки йил олдин «Яккабоғтекс» Ўзбекистон — Гер-

маня қўшма корхонаси ишга тушиб, ҳозир ип калаваларини тўлиқ хорижга чиқарапти. Ўтган йили охирида фаолиятини бошлаган «Хумотекс» Ўзбекистон — Швейцария — Хитой қўшма корхонаси ҳам анча ёшларни иш билан таъминлаш имконини берди. Яна бир тадбиркор хусусий консерва корхонасини кураётти.

Яккабоғ аҳолиси 215 мингдан ошқ бўлса, 60-65 фоиз қишлоқларда яшайди. Суғориладиган ер ҳам, сув ҳам ўлчовли. Қир-адир, лалми ерлар анча. Ҳукуматимизнинг қарорларидан келиб чиқиб, 5 мингта деҳқон ҳўжалиги тузди. Одамлар лалми жойларда деҳқончилик қилишпти, чорвачилик билан шўғулланишпти. Бунинг ишқилидир» дея таъкидлагани бежиз эмас.

— Барча ишларимиз, тузаётган режаларимиз айнана шу улў мақсадга қаратилган, — дейди туман ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Зафар Рўзиев. — Очиги, бундан бир неча йил бурун пахта тозалаш ва донни қайта ишлаш корхонасини ҳисобга олмаганда, туманда саноат ривожини умидсиз туюларди. Ҳаёт бунинг аксини исботлади. Икки йил олдин «Яккабоғтекс» Ўзбекистон — Гер-

маня қўшма корхонаси ишга тушиб, ҳозир ип калаваларини тўлиқ хорижга чиқарапти. Ўтган йили охирида фаолиятини бошлаган «Хумотекс» Ўзбекистон — Швейцария — Хитой қўшма корхонаси ҳам анча ёшларни иш билан таъминлаш имконини берди. Яна бир тадбиркор хусусий консерва корхонасини кураётти.

Хисор тизма тоғлари бу туманни қўрғондек ўраб турибди. Хусусан, собиқ Хисор отчилиги ширкат ҳўжалиги адирлари кета-кетгунча яйлов. Ҳозир бу ерлар деҳқон ва фермерлар иштиёрида. Ер ва эл тақдир ҳақида Муртоза ака Абдирахимовнинг уйда суҳбатлашди. Ҳозир етмишдан ошган

Муртоза ака машаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтди. Касби тракторчилик эди, сиртдан ўқиди. Бригадир, кейинчалик ҳўжалик раиси бўлди.

— Мана, мен раис бўлган-ман, эсланг, бир замонлар иштиё ўзимизда эдимми? — дея хотирлайди суҳбатдошим. — Ҳеч қачон. Нимани, қачон экишга айтиб туришар, деҳқонни ҳол-жонига қўйишмасди, — дейди у. — Бугун фермерга етилмаган ерга уруғ ташла, денг-чи, ҳечам кўнмайди. Деҳқоннинг эрки ҳаммасидан муҳим.

Ҳаммаси «Бухоро-6» нави. — Келинг, рақамлар орқали ҳам таҳлил қилайлик, — дейди туман қишлоқ ва сув ҳўжалик бўлими бошлиғининг иқтисод бўйича ўринбосари Баҳром Нуралиев. — Ҳосилдорлик ўтган йили пахтачиликда 30,6 центнерни, галлачиликда 64 центнерни ташкил этди. Натижада давлатга 19700 тонна ўрнига 24450 тонна пахта, 27 минг тонна ўрнига 30 минг тонна дон сотдик.

— Алоҳида боғдорчиликка иктисослашган ёки оз-оздан тоқзор, янги боғ қилаётган фермерларимиз ҳам кўп, — дейди Баҳром Нуралиев. — Туманимиз ҳудуди анча катта бўлгани билан асосий майдонларни ўрмон ҳўжалиги ва «Қизилсув» қўриқхонаси эгаллайди. Жами суғориладиган ерлар 23854 гектар.

Тўқсон еттинчи йилда 32 гектар ер олиб, фермер ҳўжалиги тузди. Кредит эвазига тракторлар сотиб олди. 2006 йилда 13 гектар ердан 47 центнердан, ўтган йили 17 гектар ердан 42 центнердан пахта еттиштирдик. Шу йили 13 гектар ердан 46 тонна галла сотдик, 37 тоннаси ўзимизга қолди. Сақиз нафар ишчимизга 1,5 тоннадан тарқатиб бердик. 3 тонна донни ночор оилаларга улашдик. Худода шукр, ерда ишлаб кам бўлмапмиз.

Ҳаётнинг оғир синовларини матонат билан енган, ҳозир ҳам дала, ер билан сирлашиб келаётган Муртоза аканинг дилқаш суҳбатидан кўнгли ёришиб чиқди. У киши пахта уруғчилиги, боғларни қўлайлаштириш ҳақида ҳам ўз мулоҳазаларини айтди. Бу

ҳам бежиз эмас эди...

— Оқсоқол ҳўяли гапларни айтибдилар, — дейди элита уруғчилиги лабораторияси раҳбари Илҳом Хидиров. — Менинг фикримча, юқори туманлар иклими боғдорчилик, сабзавот учун қўлай бўлса-да, пахтачилик сақланиб қолиши керак. Аввало, бу соҳада катта тажриба бор. Ундан кейин алмашлаб экиб бориш керак. Бизнинг иштиёримизда 200 гектар ер мавжуд. Ўтган йили 248 тонна, шундан 190 тонна уруғлик пахта сотдик.

Шундан 2017 гектари боғ, 1750 гектари узумзорлардир. Биз нафақат пахта ва галлачилик, балки боғдорчилик ҳамда бошқа экинлардан ҳам яхши фойда олаёламиз. Масалан, ўтган йили 12463 тонна картошка, 39498 тонна сабзавот, 9800 тонна мева, 6182 тонна узум еттиштирдик. Чорвачилик ҳам яхши ривожланаяпти.

— Яна қўлман нафаси келаяпти. Шу кўнларда Қашқадарё вилоят «Қишлоқҳўжалик» акциядорлик жамиятига қарашли Яккабоғ тумани бўлимида иш қизгин. Айрим туманларда ўғит омборлари ва темир йўл алоҳида. Бу жойда эса омборлар, ташкилот идораси темир йўл шохчасига туташ, натижада фермерлар ўзларига ажратилган ўғитларни пешма-пеш олиб кетишапти.

Бўлим мудири Асад Жонқобилов катта ташкилотчи, ўзи хизмат қилаётган тизим имкониятларини қўлайлаштириш учун олиб-югураётган жонқуярлардан экан.

— Туманимизда фермерликка бирданига ўтилгани йўқ, — дейди Асаджон. — Очиги, ширкат ҳўжалиқларига қараганда, янги тузилган фермер ҳўжалиқларининг имкониятлари тез орада маълум бўлиб қолди. Кейинги йилларда танлов-синув натижаларига кўра, 2,5 мин-

гта фермер ҳўжалиқлари ташкил этилди. Улардан 1385 таси пахта-галла соҳасида меҳнат қилишапти. Улар билан ҳар кун биригмиз, шунинг учун нима эҳтиёжлари бўлса, бизга маълум.

Ҳукуматимиз қишлоқ ҳўжалигига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар олдига катта вазифаларни қўймоқда. Биз 12 та жойда ўғит тарқатиш шохбаларини ташкил этдик. Кимга ўғит керак бўлса, даласига ташиб берамиз, 8 та «РМУ-075» маркали ўғит сепадиган агрегатларимиз мав-

жуд. Шудгоролди ўғитни дала-ларга сепаб ҳам берамиз. Биз етиб келган далалар илгари «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалигига қарашли экан. Айни пайтда юзлаб фермер ҳўжалиқлари ишни ўз қўлларига олишди. Далалар ўртасидаги кичикроқ иштиёнда тиниб-тинчимас ишбилармон Нафиса Шариповани учратдик.

— Одамларимиз билан галла майсаларини совуқ урдимикан, деб гаплашиб турувдик. Кўпроқ ўғит солмасак бўлмайди, чоғи, — дея гап бошлади Нафисахон. — Ўзим шу қишлоқда туғилиб ўсганман. 20 гектар ер олиб, фермер ҳўжалиги тузганмиз. Ўтган йили 8 гектар ердаги «Қунава» навлан галладан 60 центнердан ҳосил олди. Шартнома бўйича сотгандан ташқари 24 тоннаси ўзимизга қолди. Одамларимизнинг даромади ёмон

бўлмади. Яна битта гап. Ўрта-бошимизнинг ҳукумат мажлисида айтган гапларини телевидорда қўриб, эшитдим. У киши фермер ва тадбиркорга ўзим мададқорман, дейдилар. Рухимиз жуда қўтарилди. Одамларимиз билан кенгашидик, икки-уч гектар ерни боғ қилиш, мева-сабзавотни қайта ишлайдиган кичикроқ корхона қуриш ниятини дилга тугдик.

— Ҳўжалигинизни «Оққушлар салтанати» деб номлабсиз. Бунинг сирини нимада? — дейман жўшиб сўзлаётган суҳбатдошимдан.

— Шу йил кишда ўрдак, гозларнинг қишлоқлар, далаларга келиб қўнганини кўрдизми? Қўларнинг суви музлагач, одамлардан наҳот излаб келишган бу қўшлар. Мен ёшлиқдан табиати, гулларни, қўшларни ёқтираман. Эътибор берганмисиз, анча йилдан бундан далаларимизда оқ қўшлар қишлоқ қўлапти. Лайлак ва турна

Тиббиёт ва ислохот

Оролбўйи аҳли саломатлиги йўлида

Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислох қилишнинг иккинчи босқичи ижроси бўйича қабул қилинган махсус дастур изчил амалга ошмоқда

Одамлар саломатлигини сақлаш ва беморларни сифатли даволашга мамлакатимизда тобора катта эътибор берилмоқда. Мустақиллик йилларида тиббий хизмат кўрсатиш муассасаларининг моддий-техника базиси мустаҳкамланиб, беморларни даволаш услублари қорақалпоғистон Республикасининг барча шаҳар, туманлари, овул ҳамда қишлоқларида тубдан яхшиланди. Келинг, ахсиси, бу ҳақда ҳудуддаги тиббий хизмат муассасалари вакилларида эшитайлик.



Бекниёз ИСМОИЛОВ, Қорақалпоғистон Республикаси кўз касалликлари касалхонаси бош шифокори:

— Дунёга келган ҳар бир инсон ўз касби билан эл-улус оғирини енгил қилиш, дарди-даҳридан бўлиш нияти билан яшайди, жумладан, шифокорлик касби эгалари ҳам. Инсон борки, аввало Оллоҳдан, қолаверса, шифокордан даво излаб келади. Шу нуқтаи назардан касалхонамиздаги ҳар бир шифокор, ҳар бир ҳамшира уларга хизмат кўрсатишга доимо тайёр.

Мустақиллик йилларида касалхонамиз моддий техника базиси яхшиланди. Тажрибали, иш кўзини билгувчи олий маълумотли шифокорларимиз кўпайди. Ҳозир улар қўлида ҳар йили турли кўз касалликларига қилинган 6-6,5 минг нафаргача беморлар шифо топтомоқда. 110 ўринли касалхонамизда 80 та ўрин бюджет ҳисобидан бўлиб, 30 та ўрин пуллик хизмат кўрсатади. Ҳўжайли, Беруний, Тўртқўл, Чимбой туманларида 10-15 ўринли филиалларимиз бор. Уларнинг ҳаммаси замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Ўтапберген Султамуратов, Кенжебой Йўлдашев, Сапарғали Абдуллаев, Рамила Мамбетназарова, Сарвиноз Алламуратова сингари малакали

шифокорларимиз меҳнатидан бутун эл мамнун...

Бибисара ЖУМАНАЗАРОВА, Нукус шаҳридаги 1-сонли поликлиника мудираси:

— Поликлиникамиз 31480 нафар кишига тиббий хизмат кўрсатади. Шундан 9654 нафари болалар, 20 минг 494 нафари катта ёшдаги кишилар. Бир кунда 500 нафаргача бемор қабул қилиш имконига эгамиз. Улар 35 нафардан кўпроқ малакали шифокорларимиз назоратида. Сўнгги йилларда янги диагностика жиҳозлари ҳамда даволаш усулларидан фойдаланган ҳолда амалий ишлар олиб бораёғимиз. Гулнора Кутлимуратова, Қидирбой Аллаберганов, Зарифа Аvezова, Роза Шайфутдинова, Зумрад Бекатова сингари шифокорлар ва Гулпарчин Холмуратова, Гулдариҳа Сержанова, Санам Саекеева, Лиза Инаётова каби ҳамшираларимиз кеча-кундуз халқ саломатлиги йўлида жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Улар беморларни даволаш билан бирга аҳоли ўртасида белгиланган режалар асосида, «Репродуктив саломатлик», «Яқин қариндошлар орасидаги никоҳ оқибатлари», «Замонавий контрацептлардан фойдаланиш», «Саломатлик сирлари», «Шахсий гигиена» каби қатор мавзуларда кенг

тушунтириш ишлари ҳам олиб боришати.

Шифохонамизда имтиёзли ва ёрдамга муҳтож оилалардан келган беморларни бепул текширувдан ўтказиш йўлга қўйилди. Олиб борилаётган савий-ҳаракатларимиз туфайли сўнгги йилларда аҳоли ўртасида юқумли касалликлар кескин камайди. Биргина диспансеризация натижаларига кўра, ўтган йили беморларнинг вақтинчалик меҳнатга яроқсизлик ҳолати 2006 йилга нисбатан 11,4 фоиздан 10,4 фоизга пасайди. Катталар орасида ногиронлик ҳолатлари ҳам олдинги йилга нисбатан 14 фоизгача кам бўлди.

Кези келганда, бир орзу-ниятимиз борлигини ҳам айтсам ўринли бўлар, деб ўйлайман: поликлиникамизнинг моддий техника базисини мустаҳкамлаш, уни замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлашда тегишли муассасалар янада яқиндан ёрдам кўрсатсалар, хусусан, «Саломатлик-2» лойиҳаси бўйича янги ускуналар олишда кўмаклашсалар яхши бўларди...

Олтиной ИКМЕТОВА, КеҒейли тумани «Жузум-ба» овул шифокорлик пункти мудири, «Соғлом авлод учун» биринчи даражали ордени нишондори:

— Илгарилари туман марказидан узоқда жойлашган

овуллардаги аҳолига вақтида тиббий хизмат кўрсатиш катта қийинчиликлар билан бўларди. Мустақиллик йилларида овул шифокорлик пункти ташкил қилиниши айна кўнгилдаги иш бўлди. Мана, масалан, бизнинг шифокорлик пунктимиз ҳозир «Қизил-уй» овул фуқаролар йиғини ҳудудида 4928 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. 2001 йилда бу ердаги овул шифокорлик амбулаторияси ҳам III-тип овул шифокорлик пунктига айлантирилди. 2003 йилда 8 миллион 700 минг сўмлик мураккаб таъмирлаш ишлари бажарилиб, атрофлар ободонлаштирилди, мева-ли-манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. 2004 йилда «Саломатлик-1» дастури бўйича 11 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар, автоклав, ЭКГ физиотерапия ҳамда лаборатория аппаратуралари харид қилинди.

Шифохонамизда беморларнинг ётиб даволанишлари учун ҳам барча шарт-шароитлар мўҳайё. ВОЗ, ЮНЕСКО ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш бўйича ташкил этилган дастурлар асосида аш олиб боришмоқда. Айниқса, «Кам-қонлиқнинг олдини олиш», «Болаларни интеграллаштирилган усулда даволаш», «Хавфсиз вакцинация» дастурлари ижроси тобора изчиллик касб этиб бораёпти.

Шифокорларимиздан Жангилсин Ермекаева, Олқар Гулимов, Шоҳида Усенова ва ишда барчага ўрнак...

Дарвоқе, юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида Мустақиллик йилларида кўп ишлар қилинди. Биргина ўтган йилнинг ўзида бу борада «...амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилар эканмиз, — деди давлатимиз раҳбари Исро Каримов шу йил 8 февралда Вазирилар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида, — тиббий хизмат сифати янада яхшиланиши, биринчи навбатда врачлик пунктлари тармоғини кенгайтириш ҳисобидан аҳолини тиббий хизмат кўрсатиш билан қамраб олиш даражаси кенгайганини, ўткир юқумли ва вирусли касалликларга қарши кураш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни алоҳида таъкидлаш зарур...».

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Кўнгил мулки



Шавкат РАҲМОН

БАҲОРГА ИШОН...

Ишон, одам, баҳорга ишон, қара, гўдак каби беғубор — мингинчи бор оловдай порлок гуллари кўрсатар баҳор.

Баҳор сенга ишонар, қара, сузиб чиқди кўзига юрак — қараб турар сенга интизор, сен баҳорни севишинг керак.

Кўзига бок, ҳайдама уни — мингинчи бор қилмагин хато. Остонандан кетмайди баҳор, сен аслингга қайтмагунча то.

Шарқиратар асов сойларин, нафасидан ранглар уфурар, ўйнайверар яшил қушларин, гуллари ёндираверар...

Шоира боқийлигининг тимсоли

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ардоқли шоира ҳайкалининг очилиши Халқаро хотин-қизлар куни — 8 март арафасига тўғри келганида ҳам ўзига хос маъно бор. Таниқли адибларимиздан бири таърифлаганидек, Зулфия ўзбек маданияти, ўзбек хотин-қизлари ҳаётида муҳим аҳамият касб этган «Саодат» журнаliga узоқ йиллар муҳаррирлик қилиб, хотин-қизлар истикболи йўлида курашиб келган жамоат арбоби эди. Зулфия неча-неча қизнинг қўлидан тутиб, адабиёт даргоҳига бошлаб келган, уларга йўл-йўрик кўрсатган меҳрибон, аммо талабчан устоз, нозик таъб, зукко аёл, садоқатли ёр, меҳрибон она, буви эди.

Улуғ шоира ўз шеърларидан бирида инсон руҳининг боқийлиги, эзгулик ва адолатнинг

абадийлиги ҳақида фикр юритиб, «Бахтим шу — ўзбекнинг Зулфиясиман» деб ёзган эди. Мазкур муҳташам ёдгорлик тимсолида Зулфия ўзининг ибратли умри, беназир истеъдоди ва ёрқин шахсияти билан халқимиз қалбидан теран жой олганига, унинг қутлуг номи ва ўлмас мероси безавол яшаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Тадбир иштирокчилари Зулфия ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар. Эндилқда санъат ва адабиёт, ёшлик ва гўзаллик нафаси уфуриб турган бу файзли хиёбон наинки буюк шоира хотирасига, айна чоғда муқаддас аёл зотиға ҳурмат бажо келтириладиган табаррук қадамжого айланажак.

Ғулом МИРЗО, ЎЗА мухбири

Истеъдодли ёшлар — миллат гурури, мамлакат таянчи

«Мўйқаламда чизгум юртим жамолин»

дейди жиззахлик ёш истеъдод соҳиби Жамолиддин Жалолов.

Жамолиддин асли Фаллаорол туманининг олис Муллабўлоқ қишлоғидан. Айни пайтда у Ўзбекистон Бадий академиясига қарашли Жиззах

тасвирий ва амалий санъат лицейи ўқувчиси. Она қишлоғининг бетакдор, гўзал табиатию, юртига, ватанига бўлган чексиз меҳру муҳаббати унинг қўлига

мўйқалам тутди, қалбига илҳом бағишлади.

Умидли ва истеъдодли мўйқалам соҳиби чизган 20 дан ортиқ гўзал, нафис суратлар яқинда республика «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан ўтказилган кўргазмада юқори баҳоланди ва муносиб тақдирланди. Бундай эътибор ва эътирофдан руҳланган Жамолиддин янги, янада мукамал тасвирий санъат асарлари яратиш иштиёқида ижод қилаётди.

— Юртимизда иқтидорли ва истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, болалар мусиқа ҳамда санъат мактаблари фаолиятини янада яхшилаш, уларни зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаш борасида қилинаётган беқиёс ғамхўрликлар мен каби ёш истеъдодларга чинакам қанот бағишляпти, — дейди Жамолиддин Жалолов. — Бу эса ўзимизга, кучимизга, қобилиятимизга ишонч уйғотаётди. Бугун шу жаннатмакон юртининг бир фарзанди сифатида унинг жамолини чизиш завқи, уни дунёга кўз-кўз қилиш иштиёқи ҳаётимнинг мазмуни, маъносига айлантирган бахтиёрман.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ



Суратда: иқтидорли ёш rassom Жамолиддин Жалолов.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ҚУРИЛИШ ФИРМАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



«ПГС»

Тошкент ишлаб чиқариш корхонаси

қуйидагиларни тайёрлаб бериш учун буюртмалар қабул қилади:

- электр калорифер-иситгичлар (саноат корхоналари учун, қуввати — 6, 12-20 кВт);
- электр калорифер-иситгичлар (маиший қуввати — 1, 8 кВт);
- мини новвойоналар (ишлаб чиқариш қуввати — соатига 64 та буханка нон);
- электр қозонлар (кўра), қуввати — 2, 9, 12 кВт;
- кабоб пиширадиган электр кўралар (умумий овқатланиш корхоналари учун ва маиший) — 1, 7 - 6 кВт;
- сауналар учун электр жиҳозлар, қуввати — 2, 6, 8, 10, 12 кВт.

Буюртмаларни қуйидаги манзилга: Тошкент шаҳри, Гаваҳар кўчаси, 125-уй, электрон почта: e-mail: pgs4@yandex.ru ёки тел/факс: 279-38-54 орқали юбориш мумкин. 2008 йил 31 мартгача буюртма берган ташкилотлар биринчи навбатда ушбу кунгача бўлган нархда жиҳозларни харид қиладилар.

Махсулот сертификатланган.

Жиҳозлар Давлат ёнига қарши назорат ташкилоти томонидан фойдаланишга рухсат этилган.

Соғиниб кутилган мавсум

Ўтган дам олиш кунларида футбол бўйича Ўзбекистон XVII миллий чемпионати учрашувларига старт берилди. Гарчи, дастлабки турнинг марказий ўйини Тошкентда «Пактор» — «Нефти» (Фарғона) жамоалари ўртасида кечган бўлса-да, қолган баҳслар ҳам муҳиссларда катта қизиқиш уйғотди. Бу аввало мавсумлар ораллигида олий лига жамоаларида чемпионат олдидан қўрилган пухта ҳозирлик билан изоҳланиши шубҳасиз. Жумладан, ОТМК (Олмалик), «Қизилқум» (Зарафшон), «Локомотив» (Тошкент), «Сўғдиёна» (Жиззах), «Металлург» (Бекобод), «Навбахор-Н» (Наманган) футболчиларида ташқари барча жамоалар

хорижда ўқув-машғулот йиғинларини уюштиришди. Ана шу йиллар чоғида футбол клублари қатор ўртоқлик назорат ўйинларида майдонга тушиб, қўллаб маҳаллий ва легионер ўйинчиларни қўриқдан ўтказдилар.

Амалдаги мамлакат чемпиони — «Пактор» жамоасининг мавсум бошида фарғоналикларнинг етакчи футболчилари Акмал Холматов, Нодир Қўзиевларни ўз сафига қўшиб олиш билан бирга черногориялик иқтидорли ярим ҳимоячи Дарко Маркович билан шартнома имзолашганидан хабарингиз бор. Юрий Саркисян шогирдлари XVII миллий чемпионати бир қатор йўқотишлар билан бошланганикла-

рига қарамай пойтахтликларга қарши мазмунли ўйин намойиш этдилар. Аммо пахтакорчиларнинг қўлай вазиятлардан унумли фойдаланганликлари эвазига «Нефти» жамоаси Тошкентдан қуруқ қайтди — 2:0. Тўпларни Александр Гейрих ҳамда Дарко Марковичлар киритди.

Қаршида ўтган «Насаф» — «Динамо» (Самарқанд) футболчилари ўйинида ҳар икки жамоа ҳам ўтган мавсумдагидан фарқли ўлароқ, бутунлай янгиланган таркибда майдонга тушдилар. Унда мезбонлар ҳужумчиси Зафар Холмуродов томонидан киритилган ягона тўп ўйин тақдирини ҳал қилди — 1:0.

Турнинг қутилмаган натижаси Олмаликда ОТМК — «Шўртан» (Ғузор) жамоалари учрашувида қайд этилди. Мазкур ўйинда олий лига дебютанти ғузорликлар дарвозасига жавобсиз учта тўп йўллади — 3:0.

Қолган учрашувларда эса қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Сўғдиёна» (Жиззах) — «ЎзДонг-Жу» (Андижон) — 1:1, «Андижон» (Андижон) — «Металлург» (Бекобод) — 2:0, «Қизилқум» (Зарафшон) — «Машъал» (Муборак) — 0:0, «Бухоро» (Бухоро) — «Локомотив» (Тошкент) — 0:0, «Қурвчи» (Тошкент) — «Навбахор-Н» (Наманган) — 1:0.

Иккинчи тур баҳслари 6-7 март кунлари бўлиб ўтди.

Футбол

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Latif G'ULOMOV

Asliddin RUSTAMOV

Bobir ALIMOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Turobjon JO'RAYEV

Feruz NAZIROV

Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV

Norqobil JALIL

(Bosh muharrir o'rinbosari)

G'afur HOTAMOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Muslihiddin MUHIDDINOV

Nomoz SA'DULLAYEV

Svetlana GERASIMOVA

Andrey KUSTOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ

DEMOKRATIK PARTIYASI

MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti

233-10-13

Madaniyat va sport

233-69-45,

(Tel. Faks) 233-21-43

Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot

233-20-36,

233-44-55

Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot

233-12-56

Mas'ul kotib

233-72-83,

236-55-17

Reklama va e'lonlar

233-38-55,

233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda —

25-32-70

Buxoroda —

222-10-92

Gulistonda —

25-22-32

Jizzaxda —

5-49-85

Navoiyda —

223-83-73

Namanganda —

6-43-43

Nukusda —

222-70-15

Samarqandda —

35-20-54

Urganchda —

226-51-35

Farg'onada —

26-43-62

Denovda —

8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT,

MATBUOTCHILAR

KO'CHASI, 32-UY.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:

Bardambek SA'DULLAYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar:

Ikomjon ISMOILOV

Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili:

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston

Matbuot va axborot agentligida

0006-raqam bilan 2007 yil

11 yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida,

A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma tabaq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsat-i bilan amalga oshiriladi.

Г — 249

15651 nusxada bosildi